

Термиз тумани фахрлари



Бугунги кунда Термиз туманида ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси билан тақдирланган ёшлар орасида туманнинг «Қаҳрамон» маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Сабина Исмоилованинг ҳам борлиги қувонарли ҳолдир.

Иқтидорли ва шижоатли Сабина Исмоилова бу юксак мукофотга қадар, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланган эди.